

Мохир таржимон ва адив Саъдулла Кароматов 1928 йилда Бухорода тугилди. Ўрта маълумотни ҳам шу ерда олди 1949 йилда Ўрта Осиё Давлат дорилфунунининг филология факултетини тугатгач, Ўзбекистон Радиосида ишлади.

Саъдулла Кароматовнинг журналистик фаолияти 1954 йилдан бошланди. 60-йилларда рўзнома саҳифаларида у очеркнавис сифатида кўринди. 1963 йилда эса унинг йирик жанр даги биринчи насрий асари - “Тоглар табассуми» номли хужжатли киссаси ёзилди. Сўнг “Амунинг зар кокиллари”, “Гўзаллик рамзи”, “Кумуш камар” каби очерклар тўпламлари босмадан чиқди.

Кейинги йилларда «Бир томчи кон» (1968), “Тог гўзали” (1968), “Хижрон” (1969), “Еътикод” (1970) киссалалри босилиб чиқди. Бу асарлар 1971—1973 йилларда рус китобхонларига ҳам етиб борди.

Сўнгги йилларда геологлар хаётидан олиб ёзилган “Олтин кум” ва чўллари и ўзлаштираётганларга бағишланган «Сўнгги бархан» романларини яратди. Саъдулла Кароматов Жюль Верннинг «Сув остида 8000 милл», туркман ёзувчиси Килич Кулиевнинг «Кора карвон» романларини, эрон ёзувчиларининг хикоялар тўпламларини, тожик ёзувчиси Юсуф Ақобировнинг “Тегирмон тўхтагач” киссасини ўзбек тилига таржима қилди. Ёзувчи Вадим Кожевниковнинг «Пешин чоғи кунгай томонда» деган романини ҳам ўзбек тилига ўгирган. Саъдулла Кароматовга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилган. Адиб 1986 йили Тошкентда вафот этди.